# I. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2019 йил январь-декабрь ойларида вилоят корхоналари томонидан 9 092,4 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 114,0 % ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг – 81,0 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,7 %и), ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш индекси 115,0 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 94,3 %и), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 111,0 %га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 4,3 %и) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг - 88,0 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,7 %и) ўсиши ҳисобланади.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби**
*(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да)*



## Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш.

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 61,2 млрд.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,7 % ни ташкил этди.

## Ишлаб чиқариладиган саноат (қайта ишлаш саноати).

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 8571,8 млрд.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 94,3 % ни ташкил этди.

### 2019 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадагин йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

| | *2019 йил январь-декабрь* | *2018 йил январь-декабрь* | *2018 йил январь-декабрь ойларига нисбатан, % да* |
|---|---|---|---|
| Пахта линти, минг тонна | 3,5 | 3,9 | 89,7 |
| Арок - минг литр 100 % спирт | 456,0 | 1042,0 | 43,8 |
| Коняк спирти - минг литр 100 % спирт | 29,2 | 124 | 23,5 |
| Вино, минг литр | 1308,0 | 1526,0 | 85,7 |
| Ун, минг тонна | 112,2 | 114,4 | 98,3 |
| Ўсимлик ёғи (тозаланган), минг тонна | 13,9 | 12,6 | 110,3 |

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти турлари**

*(йирик корхоналар бўйича)*

| | Ўлчов бирлиги | 2019 йил январь-декабрь | 2018 йил январь-декабрь ойларига нисбатан, % да |
|---|---|---|---|
| Шағал | тн. | 11 022,0 | 43,1 |
| Юмшоқ буғдой ва спельта уни | тн. | 112 242,0 | 98,1 |
| Кунжара ва бошқа қаттиқ чиқиндилар | тн. | 64 035,0 | 111,4 |
| Миллий нон | тн. | 33,9 | 44,5 |
| Тозаланган ўсимлик ёғи | тн. | 13 911 | 110,7 |
| Пахта толаси | тн. | 42 470,0 | 76,8 |
| Пахта чигити | тн. | 64 097,0 | 79,3 |
| Пахта линти | тн. | 3 495,0 | 89,8 |
| Ишлов берилган суюқ сут | тн. | 1,2 | 17,1 |
| Ароқ - минг литр 100% спирт | тн. | 456,0 | 43,8 |
| Коньяк спирти - минг литр 100% спирт | тн. | 29,2 | 23,5 |
| Хом ипак (пишитилмаган) | тн. | 17,0 | 64,9 |
| Пахтадан йигирилган ип ишлаб чиқариш | тн. | 9 827,0 | 110,2 |

| | ***Ўлчов бирлиги*** | ***2019 йил январь-декабрь*** | ***2018 йил январь-декабрь ойларига нисбатан, % да*** |
|---|---|---|---|
| Таркибида 85 мас.% ёки ундан кўп пахта толаси бўлган, устки зичлиги 200 г/кв.м дан кам ип газламалар | тн. | 10 085,0 | 51,9 |
| Машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар | тн. | 250,4 | 73,6 |
| Трикотаж ёки тўқилган устки кийимлар | минг дона | 84,2 | 61,0 |
| Ичдан кийиладиган трикотаж кийимлар | минг дона | 590,3 | 2,1 м. |
| Электр энергияси | млн. кВт/с | 439,8 | |
| Иссиқлик энергияси | минг гкал | 86,2 | 88,1 |
| Оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар | минг сўм | 32 533 422,0 | 88,6 |
| Оқава сувларнинг шлами | минг сўм | 3 878 880,0 | 49,3 |
| Шаҳар хўжалигининг қайта фойдаланишга яроқли хавфсиз чиқиндиларини йиғиш бўйича хизматлар | минг сўм | 18 918 396,0 | 3,1 м. |
| Хавфсиз металл чиқиндилар | тн. | 2 284,3 | 8,2 |
| Тўқимачилик чиқиндилари | тн. | 2,0 | 40,0 |

**2019 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш**

| | *млрд. сўм* | ***ўсиш суръати, % да*** |
|---|---|---|
| **Ишлаб чиқарадиган саноат** | **8 571,8** | **115,0** |
| озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 2 229,4 | 125,5 |
| ичимликлар ишлаб чиқариш | 378,2 | 148,1 |
| тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 3 035,9 | 107,7 |
| кийим ишлаб чиқариш | 1 107,0 | 109,3 |
| тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 205,7 | 106,9 |
| ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш | 30,9 | 114,2 |
| қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 69,7 | 151,7 |
| ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 3,0 | 103,1 |
| кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 9,8 | 30,5 |
| кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 120,2 | 148,1 |
| асосий фарматсевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш | 244,2 | 110,5 |
| резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш | 122,0 | 93,3 |
| бошқа нометал минерал махсулотлари ишлаб чиқариш | 391,5 | 126,4 |
| металлургия саноати | 62,1 | 53,0 |
| машина ва ускуналардна ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | 267,4 | 104,6 |
| компютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 3,7 | 93,2 |
| электр ускуналар ишлаб чиқариш | 277,8 | 147,7 |
| бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш | 64,0 | 115,2 |
| автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим притсеплар ишлаб чиқариш | 8,1 | 45,7 |
| бошқа транспорт учкуналари ишлаб чиқариш | 0,8 | 111,6 |
| мебел ишлаб чиқариш | 137,4 | 111,4 |
| бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш | 171,1 | 113,5 |
| машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш | 10,2 | 137,5 |

## ***Ишлаб чиқарадиган саноат технологик таркиби***

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 2,9 %ни (2018 йил январь-декабрь ойларида - 3,4 % ни), ўрта-юқори технологияни улуши 5,5 %ни (6,0 %), ўрта-қуйи технологияли ишлаб чиқаришнинг улуши - 10,1 % ни (11,5 %), қуйи технологияли ишлаб чиқаришнинг улуши эса 81,5 % ни (79,1 %) ташкил этди.

**2019 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да**



## Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитциялаш.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитциялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 392,8 млрд.сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат ҳажмининг 4,3 % ни) ташкил этди.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида саноатнинг мазкур тармоғида электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш буғ билан таъминлаш тизимлари ва хавони кондициялаш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси 11,0 % га ошганлиги кузатилди.

### Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитциялаш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

*(2019 йилнинг январь-декабрь ойларида)*

| | 2019 йил | 2018 йил | 2018 йилга нисбатан, % да |
|---|---|---|---|
| Электроэнергия - млн.кВт/с | 439,8 | - | - |
| Иссиқлик энергияси – минг Гкал | 86,2 | 97,9 | 88,1 |

### Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 66,6 млрд.сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат ҳажмининг 0,7 % ни) ташкил этди.

### ***Туман(шаҳар)ларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши***

Туман(шаҳар)ларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Учқўрғон тумани(2018 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 165,6 % га), Тўрақўрғон тумани 134,1 % га, Янгиқўрғон тумани (123,5 % га), Чуст тумани (114,8 % га), Косонсой тумани (112,6 % га), Наманган (111,8 % га) туманларида сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажми индексининг ўсиши таъминланди.

| | ***Саноат маҳсулотлари (млрд. сўм)*** | ***Жамига нисбатан улуши, % да*** | ***2018 йил январь-декабрь ойларига нисбатан, % да*** |
|---|---|---|---|
| **Вилоят жами** | **9 092,4** | **100,0** | **114,0** |
| Наманган ш. | 3 875,1 | 42,6 | 109,7 |
| Мингбулоқ | 123,9 | 1,4 | 80,9 |
| Косонсой | 355,4 | 3,9 | 112,6 |
| Наманган т. | 893,1 | 9,8 | 111,8 |
| Норин | 371,3 | 4,1 | 107,2 |
| Поп | 348,8 | 3,8 | 106,8 |
| Тўрақўрғон | 926,7 | 10,2 | 134,1 |
| Уйчи | 832,7 | 9,2 | 108,5 |
| Учқўрғон | 818,5 | 9,0 | 165,6 |
| Чортоқ | 118,3 | 1,3 | 111,3 |
| Чуст | 290,6 | 3,2 | 114,8 |
| Янгиқўрғон | 138,0 | 1,5 | 123,5 |

**Туман(шаҳар)лар бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, индекснинг ўсиш суръатлари**

*(2019 йил январь-декабрь ойлари учун)*

*(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)*




Вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Наманган шаҳри (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмнинг 42,6 % улушини), Тўрақўрғон (10,2 %), Наманган тумани (9,8 %), Уйчи (9,2 %), Учқўрғон (9,0 %), Норин (4,1 %) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳудудларга нисбатан кўрилганда, Наманган шаҳрида 6258,3 минг сўм, Наманган туманида 5057,1 минг сўм, Учқўрғон туманида 4817,5 минг сўм ва Тўрақўрғон туманида 4155,4 минг сўмни ташкил этиб, бошқа туманларга нисбатан юқори кўрсаткични ташкил этмоқда.

Туман(шаҳар)лар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Учқўрғон туманида (2018 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 162,5 %), Тўрақўрғон (131,4 %) ва Янгиқўрғон (121,1 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, Мингбулоқ (79,2 %) ва Поп (104,9 %) туманларида ўсишнинг паст суръатлари кузатилди.

## Туман(шаҳар)ларнинг вилоятдаги жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, *фоизда*

*(2019 йил январь-декабрь)*




## Туман(шаҳар)лар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, *минг сўмда*

*(2019 йил январь-декабрь)*



Туман(шаҳар)лар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Учқўрғон туманида (2018 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 162,5 %), Тўрақўрғон (131,4 %) ва Янгиқўрғон (121,1 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, Мингбулоқ (79,2 %) ва Поп (104,9 %) туманларида ўсишнинг паст суръатлари кузатилди.

## Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 2663,2 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши ҳисобот даврида 29,3 % ни ташкил этди.

**Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмдаги улуши , % да.**



**Ҳудудлар бўйича чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларини саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да.**




## ***Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси***

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,1 % га ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 73,9 % ни ташкил этмоқда.

Туман(шаҳар)лар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Янгиқўрғон ва Чортоқ туманида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 %), Уйчи (95,5 %), Норин (92,4 %), ва Наманган (87,1 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Мингбулоқ (38,4 %), Поп (52,4 %) туманларида кузатилди.

**Туман ва шаҳарларнинг кичик бизнесдаги улуши,** *фоизда*
*(2019 йил январь-декабрь)*




***Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши***

Республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастурга киритилган 20 та лойиҳа бўйича 209,2 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари**
*(2019 йил январь-декабрь)*

| | ***2019 йил*** | ***2018 йил*** |
|---|---|---|
| **Лойиҳалар сони,** *бирлик* | 20 | 20 |
| **Корхоналар сони,** *бирлик* | 10 | 41 |
| **Ишлаб чиқариш ҳажми,** *млрд.сўм* | 209,2 | 226,0 |
| **Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми,** *минг АҚШ долл.* | 800,0 | 93,4 |
| **Яратилган янги иш ўринлари,** *бирлик* | 78 | 78 |

***Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари***

Бугунги кунда вилоятда 5486 та саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 2341 таси Наманган шаҳрига, 400 таси Чуст, 399 таси Наманган, 390 таси Уйчи, 355 таси Косонсой, 346 таси Тўрақўрғон, 255 таси Учқўрғон, 238 таси Норин, 221 таси Янгиқўрғон, 219 таси Чортоқ, 211 таси Поп ва 118 таси Мингбулоқ туманларига тўғри келади.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятда 1446 та саноат соҳасида корхоналар янги ташкил этилган бўлиб, асосан Наманган шаҳри, Косонсой, Учқўрғон, ва Уйчи туманларига тўғри келади.

**Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони,** *бирликда*
*(2020 йил 1 январь ҳолатига)*




2019 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятда 1446 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан 54,4 % Наманган шаҳри, Косонсой, Учқўрғон ва уйчи туманларига тўғри.

## ***Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш***

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2018 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан (110,8 %га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улу ши эса 62,9 % ни ташкил этди.

**Ҳудудлар бўйича 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати.**

| | Ҳалқ истеъмол моллари (млрд.сўм) | Жамига нисбатан улуши, % да | 2018 йил январь-декабрь ойларига нисбатан, % да |
|---|---|---|---|
| **Вилоят жами** | **5722,4** | **100,0** | **110,8** |
| Наманган ш. | 2687,7 | 47,0 | 108,3 |
| Мингбулоқ | 47,5 | 0,8 | 105,1 |
| Косонсой | 245,3 | 4,3 | 113,3 |
| Наманган т. | 626,3 | 10,9 | 112,8 |
| Норин | 116,3 | 2,0 | 113,9 |
| Поп | 138,3 | 2,4 | 102,9 |
| Тўрақўрғон | 481,2 | 8,4 | 113,8 |
| Уйчи | 379,1 | 6,6 | 112,6 |
| Учқўрғон | 520,4 | 9,1 | 111,0 |
| Чортоқ | 110,2 | 1,9 | 113,2 |
| Чуст | 284,9 | 5,0 | 127,8 |
| Янгиқўрғон | 85,2 | 1,5 | 106,8 |

2018 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 2019 йил январь-декабрь ойларида истеъмол товарлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш улушининг 30,5 % дан 34,6 % га ошгани кузатилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида пиво ва спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш ҳажми 18,1 млрд.сўмни ташкил қилиб ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш сурьати 52,0 % ни ташкил қилди.

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари**
*(2019 йил январь-декабрь)*




**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби**
*(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, % да)*

